

8-1-2019

TRADITIONS AND PROSPECT OF DEVELOPMENT OF THE SECURITIES MARKET ACTIVITY

Akromjon Karimov

Tashkent Financial institute, akrambek_tfi@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Karimov, Akromjon (2019) "TRADITIONS AND PROSPECT OF DEVELOPMENT OF THE SECURITIES MARKET ACTIVITY," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 1.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss4/1>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

TRADITIONS AND PROSPECT OF DEVELOPMENT OF THE SECURITIES MARKET ACTIVITY

This article is devoted to the tendencies of the development of the securities market in the Republic of Uzbekistan and to the solution of the existing problems and the reforms carried out in conditions of economic liberalization. Also, for the accelerated development of the stock market, particular attention was paid to the effectiveness of primary (IPO) and secondary (SPO) mass distribution of shares of joint-stock companies on the stock exchange.

Key Words: securities market, stock market, corporate governance, foreign direct investment, stock, portfolio investment, IPO, SPO, financial instrument, market capitalization.

At present, in the event of all-round economic interests, it is important to increase the effectiveness of the financial market, particularly the functioning of the securities market, which is one of the most important factors of direct foreign investment and effective utilization of the country. In particular, in the section "Priorities of economic development and liberalization", which is one of the five priority directions set out in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Strategy for Further Development of the Republic of Uzbekistan" No. 4947 dated 7 February 2017, improving the investment climate, attracting foreign, first of all, direct foreign investments and modern standards of corporate governance does the management of strategic enterprises, the introduction of systematic work to be done to strengthen the role of shareholders defined.¹

The structure of the securities market is characterized by its importance, role and functions in the economy. From the global perspective, the growth or decline in the economy is linked to the tendency of valuation of the assets in this market. The impact of any economic, social, and political situation in the world on the stock market is important for the market, as it is likely that future market makers will rise or lower their market prices.

We can observe the day-to-day transactions in the securities market in developed countries and their significant value and the impact of these transactions on the economy. One of the economic reforms being implemented in Uzbekistan is directed directly to the capital market, in particular, to the further development of the securities market and its performance.

Currently, there are two large stock markets in the Republic of Uzbekistan: the Republican Stock Exchange "Toshkent" and the "Elsis-Savdo" joint-stock company. By analyzing the annual trades of the Republican Stock Exchange "Toshkent" and their value, we can see the rapid growth in 2018. In the years to come, it should be noted that the interest of individuals in the securities market is increasing. The share of individuals in the total sales turnover of the Republican Stock Exchange Toshkent is 18% in 2015 and by 2018 it is 57%.

¹The strategy of action for the further development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021, approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated 02.02.2017. No. 4947, section III.

The total value of the transactions at the Republican Stock Exchange Tashkent in 2015 will exceed 161 billion soums. In 2016, the figure rose by 186.2%. The volume of transactions in 2017 will increase by 1.2 billion soums compared to 2016.

This can be explained by the fact that the number of joint-stock companies that are traded on the Stock Exchange this year is reduced from 141 to 99. The total annual turnover on the stock exchange will hit \$ 687.3 billion in 2018. It is worth noting that the increase in the rate of 2.3 times compared to the previous year is achieved thanks to the reforms being implemented in this area and the system news.

However, comparing to international comparisons, the total capitalization of the NYSE (New York Stock Exchange) Stock Exchange in 2016 will be 19.223 trillion. The Korean stock market's capitalization is estimated at \$ 1,251 trillion, with a total of US \$ 2,400 and the number of companies - 2030.²

The rapid growth trend in the stock market in the Republic of Uzbekistan in 2018 and the place of shareholder participation are primarily due to the reforms in this area and the IPOs and SPOs held in two joint-stock companies of the past year. In economic dictionaries, the IPO (Initial Public Offering), when the company shares its stock in the primary or in the stock market, is used in the term "secondary public offer", when the existing shareholder sells own stocks or a large share of government shares in the stock market.

The findings of the research show that the comprehensive development of the securities market is a matter of economic stability of the country. Effective management and organization of control of the available financial resources of the legal entities and individuals through the stock market through large and more demanding business entities is one of the contemporary issues. Currently, roadmaps for the development of the stock market and increasing its investment attractiveness have been identified. According to it, starting from 2019, it is planned to create IPOs and SPOs in large joint-stock companies. Based on the analysis of the aforementioned Joint Stock Company "Kvarts" and "Qo'qon mexanika zavodi", it is worth mentioning that the cost of ordinary and preferential shares of existing joint-stock companies in the Republic of Uzbekistan is directly dependent on their dividend policy. The results of these studies are reflected in foreign and domestic literature.

²<https://stockstotrade.com/major-stock-exchanges-in-the-world-infographic/>

Каримов Акрамжон Икромжон ўғли
ТМИ, “Менежмент ва маркетинг”
кафедраси ўқитувчиси
akrambek_tfi@mail.ru

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АНЪАНАЛАР ВА ИСТИҚБОЛ

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикасида қимматли қозғозлар бозорининг ривожланиш тенденциялари ва мавжуд муаммоларнинг ечимига бағишланган бўлиб, унда иқтисодиётни либераллаштириш шароитида мазкур йўналишида амалга оширилаётган ислохатлар ёритилган. Шунингдек, қимматли қозғозлар бозорини жадал ривожлантиришида фонд биржасида акциядорлик жамиятларининг акцияларини бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий жойлаштириш самарасига алоҳида эътибор берилган.

Таянч сўзлар: қимматли қозғозлар бозори, корпоратив бошқарув, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, акция, портфел инвестиция, IPO, SPO, молиявий инструмент.

ТРАДИЦИИ И ПРОСПЕКТ РАЗВИТИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РЫНКА ЦЕННЫХ БУМАГ

Данная статья посвящена тенденциям развития рынка ценных бумаг в Республике Узбекистан и решению существующих проблем и реформы проводимых в условиях либерализации экономики. Также для ускоренного развития рынка ценных бумаг особое внимание было уделено эффективности первичного (IPO) и вторичного (SPO) массового размещения акций акционерных обществ на фондовой бирже.

Ключевые слова: фондовый рынок, корпоративное управление, прямые иностранные инвестиции, акция, портфельные инвестиции, IPO, SPO, финансовый инструмент.

КИРИШ

Ҳозирги кунда, ҳар томонлама иқтисодий манфаатлар тўқнашган замонда, мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланган молия бозори, хусусан қимматли қозғозлар бозорининг фаолияти самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йилнинг 7 февралдаги 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида қайд этилган бешта устувор йўналишидан бири бўлган “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” бўлимида инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб

қилиш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш белгилаб ўтилган.[1] Ушбу йўналишдан келиб чиққан ҳолда, жорий 2019 йил «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 29 апрелидаги 4300-сонли “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қорорида қатор кимё ва нефть-газ саноати, машинасозлик соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар, банк-суғурта ташкилотлари устав капиталларидаги давлат акциялар (улушлар) пакетларини сотиш, маҳаллий ва хорижий фонд биржаларида IPO (SPO) бўйича эмиссияларни жойлаштириш учун жалб қилинадиган инвестиция воситачилари, маслаҳатчилари, шу жумладан хорижий маслаҳатчиларнинг кўрсатадиган хизматлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун тайёр инвестиция таклифларини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.[2] Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида, ушбу чора-тадбирларни самарали, ўз вақтида ташкил этиш молия бозори, хусусан қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантиришнинг муҳим турткиси бўлиб хизмат қилади.

Қимматли қоғозлар бозори таркибий тузилишига кўра иқтисодиётда ўз аҳамияти, ўрни ва функциялари билан ажралиб туради. Жаҳон амалиётини олиб қарайдиган бўлсак, иқтисодиёт ривожланишнинг ўсиши ёки пасайиши ушбу бозордаги активларнинг баҳоланиш тенденциясига бўғлиқ. Дунёдаги ҳар қандай иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳолат тўғридан-тўғри қимматли қоғозлар бозорига таъсир кўрсатиши, яний бозор иштирокчиларини келажакка бўлган башоратини активларнинг бозор баҳосини кўтариши ёки тушириши мумкинлигидан ушбу бозорни аҳамиятни янада оширади. Мавзунинг долзарблиги яна шундаки, миллий иқтисодиётнинг асосий бўғинлардан бири бўлган акциядорлик жамияти шаклидаги бизнес субъектларининг бозор баҳоси талаб ва таклиф омиллари асосида қимматли қоғозлар бозорида аниқланиб, уларнинг фаолияти самарадорлиги қай даражадалигини кўрсатиб беради.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Иқтисодиётда қимматли қоғозлар бозорининг ўрни ва аҳамияти, унинг тарихий ривожланиш тенденциялари, назария ва амалиётга оид илмий тадқиқотлар бир қатор хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган.

Хорижлик олимлардан Нихат Актас, Катхлеэн Андриес, Этторе Сроси, Али Оздакаклар[3] қимматли қоғозлар бозорини ривожланиши ва унда IPOларни молиялаштириш, Ваҳбеаҳ Моҳти, Андреиа Дионисио, Исабел Виeira, Пауло Ферреиралар[4] Осиё қимматли қоғозлар бозорининг минтақавий ва глобал интеграллашуви бўйича, Бёмакеш Дебата, Саумя Ранжан Даш, Житендра Махакудлар[5] инвесторларнинг ликвидлиги юқори ва

фойдалилиги даражаси катта бўлиши кутилаётган қимматли қоғозлар бозорини тез қидириб топиши омилини тўғрисида илмий тадқиқот ишларини олиб борган бўлсалар, МДХ давлатларидан А.А.Килячков, Л.А.Чалдаевлар[6] қимматли қоғозлар бозори ва биржа фаолияти бўйича, В.С.Торканов[7] қимматли қоғозлар бозоридаги мавжуд молиявий инструментлар тўғрисида маълумот берган бўлса, В.А.Галанова ва А.И.Басова[8] қимматли қоғозлар бозорининг умумий тузилишини ўз тадқиқотларида баён этишган.

Маҳаллий олимларимиздан Ш.Ш.Шохаъзамий[9], Л.И.Бутиков [10], М.Б.Хамидулин[11]ларнинг қатор илмий тадқиқотлари қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши ва унинг ҳозирги ҳолатига бағишлаган.

Қимматли қоғозлар бозорининг мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимига қаратилган докторлик диссертациялари ёзган олимлардан Л.И.Бутиков[12] ва Н.Ғ.Каримовлар[13] ўзларининг илмий тадқиқотларида республикада ушбу соҳада мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечими бўйича ўзларининг таклиф-хулосаларини келтириб ўтишган.

Олимларимиздан яна бири, Х.Х.Худойқулов ўзининг илмий тадқиқотидаривожланган давлатларда фонд бозорларидаги активларни баҳолашда тармоқли, ҳудудий, жамланма ва глобал индекс турларидан фойдаланган ҳолда баҳолашнинг ва фонд бозорларида молиявий активларни баҳолаш илк маротаба статистик кўрсаткич сифатида қўлланилган жамланма индекслар ҳозирги кунга қадар дунё фонд бозорларининг асосий кўрсаткичи сифатида кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқдалигини эътироф этган[14].

Юқоридаги илмий адабиётларда қимматли қоғозлар бозорига нисбатан умумий фикрлар бериб ўтилган бўлиб, хусусан, ривожланаётган давлатдаги қимматли қоғозлар бозорининг ролини икки томонлама кўриб чиқиш мумкинлиги, бир томондан, иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш – аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг, давлатнинг бўш турган пул ҳамда бошқа маблағларининг сафарбар этилиши ва уларнинг миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларига йўналтирилиш таъминланади дейилган бўлса, иккинчи томондан эса, қимматли қоғозлар бозори ёрдамида ижтимоий хусусиятга эга бўлган қатор муҳим муаммоларни ҳал этиш акс эттирилган.


Ҳозирги глобал иқтисодиётни интеграллашуви ҳамда молиялаштириш бўйича йирик инвестицион фондларни мамлакатимизга кириб келиши ва уларнинг ушбу бозорга ўз активларини жойлаштириши жиҳатдан қимматли қоғозлар бозорини тизимли таҳлилини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, хорижий ва маҳаллий тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини миллий иқтисодиётга кириб келишини кучайтириш ва унинг самарасини ошириш иқтисодий ривожланишнинг асосидир.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ривожланган мамлакатларнинг қимматли қоғозлар бозорида бир кунлик амалга ошириладиган битимлар ва уларнинг қиймати сезиларли даражада катталигини ҳамда ушбу битимларнинг иқтисодиётга таъсирини кузатишимиз мумкин бўлади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохатларнинг бир йўналиши бевосита капитал бозори, хусусан, қимматли қоғозлар бозорини

янада ривожлантириш ва унинг ишлаш механизмини такомиллаштиришга қаратилган.


Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорини ташкиллаштирувчи иккита йирик фонд бозори: “Тошкент” Республика фонд биржаси ва “Элсис-Савдо” акциядорлик жамияти мавжуд. “Тошкент” Республика фонд биржасининг қимматли қоғозлар бойича қайд этган йиллик битимлар ва уларнинг қийматини таҳлил этар эканмиз, 2018 йилда жадал ўсиш суратини кўришимиз мумкин. Йиллар кесимда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қимматли қоғозлар бозорига жисмоний шахсларнинг қизиқиши ҳам ошиб бормоқда. “Тошкент” республика фонд биржаси умумий савдолари таркибиде жисмоний шахсларнинг улуши 2015 йилда 18 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб 57,0 фоизни ташкил этмоқда (1-расм).



1-расм. Биржа айланмаси динамикаси 2015-2018 йиллар (млрд. сўм) [15]

Юқоридаги маълумотлардан шуни кўришимиз мумкинки, “Тошкент” республика фонд биржасида 2015 йилда жами битимлар қиймати 161 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, 2016 йил бу кўрсаткич 186, 2 фоизга ўсган. 2017 йилда битимлар қиймати 2016 йилга нисбатан 1,2 млрд. сўмга камайган. Бу авваламбор, ушбу йилда биржадаги қимматли қоғозлари айланаётган акциядорлик жамиятлари сонининг 141тадан 99тага тушиши билан изоҳласа бўлади. Биржадаги йиллик умумий айланма 2018 йилда 687,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 2,3 марта ортганлиги ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва тизимга олиб кирилаётган янгиликлар билан эришилмоқда десак тўғри бўлади. Лекин ҳалқаро миқёсида таққослар эканмиз, дунё фонд бозорларининг энг юқори поғонасидаги NYSE (New York Stock Exchange) фонд биржасининг 2016 йилдаги умумий капитализацияси 19,223 трлн. АҚШ долларига тенг бўлган ва ундаги компаниялар сони 2 400 донани ташкил этган бўлса, ташкил топганига 19 йил бўлган Корея фонд биржасининг капитализацияси 1,251 трлн. АҚШ долларини ва компаниялар сони 2030тани ташкил этган. [16]

Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорининг 2018 йил жадал ўсиш тенденцияси ва таркибидаги иштирокчиларнинг ўрин алмашиш ҳолати авваламбор, мамлакатда ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотлар натижаси сифатида кўришимиз ва ўтган йилиги 2та акциядорлик жамиятида ўтказилган IPO ва SPOлар сабабчи қилиб кўрсатишимиз мумкин. Иқтисодий луғатларда компания ўз акцияларини Фонд бозориги бирламчи ёки қўшимча жойлаштиради IPO(Initial Public Offering), мавжуд акциядор одатда давлат ўз улушини йирик хажмда сотса SPO(Secondary public offering) атамаси қўлланилади. Тошкент Республика фонд биржасида 2017 йилнинг 5 декабридан 2018 йилнинг 3 апрелигача “Kvarts” АЖ ўзининг 4 574 934 дона ва бошланғич қиймати 3000 сўмдан бўлган акцияларини қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига бирламчи таклифини яний IPOсини амалга оширди. IPOда жами ушбу акциядорлик жамиятининг 2 475 269 дона акцияси 3000 – 9100 сўм диапазонида сотиб олинди. Қуйида IPOдан сўнг “Kvarts” АЖнинг акцияларининг нархи ва савдо ҳажмини кўришимиз мумкин(2-расм).




2-расм. “Kvarts” АЖ акциясининг биржадаги нархи ва айланмаси[15]

Қимматли қоғозлар бозорида “Kvarts” акциядорлик жамияти акцияларига номинал қиймати (1715 сўм)дан апрелда 2,33 марта, ноябрда эса 3,3 марта юқорилаганлиғни ва апрелдан декабр ойигача умумий ҳисобда 123 фоизга ўсганлиғини кўриш мумкин.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки илмий тадқиқотларда IPOлар янги рўйхатга олинган фирмаларнинг сотиб олиш фаолиятини осонлаштиради, бироқ бозор тизимидаги компанияларнинг сотиб олиш фаолияти камроқ ривожланган фонд бозорларидаги фирмаларга нисбатан IPOни молиялаштиришга нисбатан сезгирдир. Бундан ташқари, IPO орқали молиялаш янада ривожланган фонд бозори бўлган мамлакатларда фирмаларнинг фойдасига ҳал бўлади. Ушбу давлатлардаги IPO компанияларининг миқдори нисбатан кўпроқ ошиб боради ва улар камроқ ривожланган фонд бозори бўлган

давлатлардан IPO компанияларидан кўра жамоатчиликка нисбатан кўпроқ даромад келтиради[3].

Халқаро компаниялардан бири бўлган “Freedom Finance” инвестицион компанияси ҳамкорлигида 2018 йилнинг декабр ойида “Qo‘qon mexanika zavodi” акциядорлик жамияти ўз акцияларини иккиламчи таклифи(SPO)ни амалга оширди. “Qo‘qon mexanika zavodi” акциядорлик жамияти фонд бозорига бошланғич нарх 1000 сўмдан жами 2236452 дона акцияларини сотувга чиқарди ва SPO натижаларига кўра, улар 126,14 фоиз талабга эга бўлди.



3-расм. “Qo‘qon mexanika zavodi” АЖ акцияларининг биржадаги нархи ва айланмаси[17]

Ўтказилган SPOдан сўнг “Qo‘qon mexanika zavodi” акциядорлик жамияти оддий акциялари “Тошкент” республика фонд биржасидаги савдоларда 900,00 сўмдан 1 415,00 сўмга кўтарилган бўлса, энг юқори нарх сифатида 1 540,40 сўмни феврал ойида кузатишимиз мумкин. Битимлар қиймати бўйича ушбу эмитентнинг акциялари билан январ ва феврал ойларида катта ҳажм кузатилган бўлиб, 604 246 минг сўм ва 294 492 минг сўмни ташкил этган. “Kvarts” акциядорлик жамияти акцияларининг биржадаги ўсиш тенденцияси нархларидан фарқли равишда “Qo‘qon mexanika zavodi” акциядорлик жамияти акциялари май ойининг охирига келиб сезиларли даражада паст кўрсаткичга эга бўлган ва 1015 сўмга тушиб қолган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Олиб борилган илмий изланиш натижалари шуни кўрсатадики, қимматли қоғозлар бозорини ҳар томонлама ривожлантириш мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги билин чамбарчас бўғлиқ ҳисобланади. Яний юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш қолган молиявий ресурсларини фонд бозори орқали давлатдаги йирик ва инвестиция талаб қилувчи бизнес субъектларига самарали йўналтириш ва уларнинг назоратини ташкил этиш ҳозирги куннинг долзарб муммоларидан.

Ҳозирги кунда республикада кимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш бўйича йўл хариталари белгиланиб олинган. Унга кўра 2019 йилдан бошлаб йирик акциядорлик жамиятларида IPO ва СПОни ташкил этиш кўзда тутилган. Юқорида қайд этилган, “Kvarts” акциядорлик жамияти ва “Qo‘qon mexanika zavodi” акциядорлик жамиятлари тахлилидан келиб чиқиб шуни айтиш жоизки, ҳозирги кунда республикада мавжуд акциядорлик жамиятларининг оддий ва имтиёзли акцияларининг нархи тўғридан тўғри уларнинг дивиденд бериш сиёсатига боғлиқдир.

Хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистонда кимматли қоғозлар бозорининг ҳозирги ҳолати олиб борилаётган ислохатлар натижасида секин-асталик билан ривожланмоқда. Ҳа албатта, ҳар қандай тараққиётда бўлгани каби, маълум бир камчиликлар ва хатолар мавжуд бўлади. Ушбу хатоларни тўғирлаш ва уларга қайта йўл кўймасликка ҳаракат қилиш ушбу бозорнинг тараққиётини белгилаб беради. Қимматли қоғозлар бозорига таъсир қилувчи яна бир факторлардан бу - компанияларнинг очиклиги ва уларни бошқарув аъзоларининг акциядорлар олдидаги маъсулиятини тўлиқ бажарилиши сифатида кўриб чиқсак бўлади.

Юқоридаги қилинган илмий изланишлар ва тахлиллар асосида қуйидаги таклифларни шакллантирилди:

- ривожланган мамлакатларнинг фонд бозорларини тахлил қилган ҳолда кимматли қоғозлар бозорига янги молиявий инструментларни жалб қилиш. Ҳозирги кунда республикада кимматли қоғозлар бозорини асосий сотилаётган ва сотиб олинаётган кимматли қоғоз сифатида фақат акциядорлик жамиятларининг акцияларини кўришимиз мумкин;

- янгидан ташкил этилаётган акциядорлик жамиятларини уставини шаклланиш йўли сифатида IPOни жорий этиш;

- акциядорлик жамиятлари томонидан дивиденд ҳисоблаш ва тўлаш тартибини тизимли равишда назоратга олиш;

- кимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг кимматли қоғозлар бозорини операцияларни амалга ошириш бўйича лицензиялаш тартибини соддалаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисидаги фармони. Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон., Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори. Тошкент ш., 2019 йил 29 апрель, ПҚ-4300-сон., Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2019 й., 07/19/4300/3032-сон.

3. NihatAktas, Kathleen Andries, EttoreCrocì, Ali Ozdakak “Stock market development and the financing role of IPOs in acquisitions” Journal of Banking & Finance, Volume 98, January 2019, Pages 25-38. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0378426618302395>)
4. Wahbeeah Mohti, Andreia Dionísio, Isabel Vieira, Paulo Ferreira “Regional and global integration of Asian stock markets” Research in International Business and Finance, Volume 50, December 2019, Page357-368. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0275531918309991>)
5. Byomakesh Debata, Saumya Ranjan Dash, Jitendra Mahakud “Investor sentiment and emerging stock market liquidity” Finance Research Letters, Volume 26, September 2018, Pages 15-31. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1544612317304610>)
6. Килячков А.А., Чалдаева Л.А. Рынок ценных бумаг и биржевое дело: Учеб. пособие. 2-е изд., с измен.-М: Экономистъ, 2005 г. – 687 с.
7. ТоркановВ.С.Рынок ценных бумаг и его финансовые инструменты: Учебное пособие. СПб.: АО “Комплект”, 1994 г. – 421 с.
8. Галанова В.А., Басова А.И. Рынок ценных бумаг: Учебник –М.: Финансы и статистика, 2004 г. – 448 с.
9. Шохаззамий Ш.Ш. Молия бозори ва қимматли қоғозлар. /Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2012 й. – 440 б.
- 10.БутиковЛ.И. Рынок ценных бумаг.Учебник.–Т.: Консаудит-информ, 2001-472 с.
11. ХамидулинМ.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. – Т.: Молия, 2008, – 204 с.
12. БутиковЛ.И.“Проблемы формирования и функционирования рынка ценных бумаг в Узбекистане” Автореферат Т.,-2008, 1-41 с.
- 13.КаримовН.Ғ. “Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозормеханизмларини жорий этиш муаммолари” Автореферат, Т,- 2007, 1-40-бет.
14. Худойкулов Х.Х. “Фонд бозори активларини баҳолаш механизмини такомиллаштириш” И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати. – Т. ТДИУ. 2018 й.
15. “Тошкент” Республика фонд биржаси расмий йиллик бюллетени (https://uzse.uz/system/analytics/pdfs/000/000/058/original/ИНФОРМАЦИОННЫЙ_БЮЛЛЕТЕНЬ_2018_итоги.pdf?1556601351)
- 16.<https://stockstotrade.com/major-stock-exchanges-in-the-world-infographic/>
17. <https://investfunds.ru/stocks/Kokand-Mechanical-Plant/>